Уланишнинг рақамли абонентли линияларида чизиқли кодлаштириш технологияларидан кўпроқ янги 2B1Q, CAP, TC-PAM, DMT каби кодлар қўлланмоқда. Алоқа узатиш воситалари асосан маълумотларни ва товушлар узатуви учун қўлланилади. Бу каби жараёнларнинг аҳамиятли характеристикаларидан бири қувватликнинг спектрал зичлиги (энергетик спектр).

ЦСП чизиқли трактининг ҳимояланганлик кўрсаткичи ҳар бир бўлак участканинг ҳимояланганлиги билан аниқланади.

Бегона электрик тебранишлар, ҳар қил таъсирлар натийжасида пайдо бўлади ва қўйдагича белгиланади:

- узоқдаги ўзаро ўтувчи шовқинлар A_1 (ПВДК) ;
- яқиндаги ўзаро ўтишувчи шовқинлар A_0 (ПВБК) ;

Алоқанинг туртсимли схемасин HDB3 коди билан қўлланадиган, узатишнинг рақамли ИКМ 30 тизимининг, кабел линиялари учун 1024 кГц яримтактли частотасига яқиндаги ўзаро ўтишувчи шовқинлар кўрсаткичи белгиланган ва қўйидаги формула билан ҳисобланади :

$$A_0 = a_3 + \alpha l + 10 \lg N + \delta \quad (3.1.)$$

Бунда: $a_3 = 24.7$ дБ — сигн/ҳалақат ҳимоянганлик; αl -занжирнинг рабачий сўниши (чизиқли трактнинг кучайтирувчи қобилияти) ; N -ИКМ тизими тарафидан зичлаштириладиган, занжирлар сони ; δ - A_0 - кўрсаткичининг ўртача квадратлик силжиши;

Узатиш кодлари учун ,икки даражали (иккилик) сигналларни узатиш қўлланилади. Частоталар полосаси чекланган, лекин иккилик сигналларнинг узатиш тезлигин ортиришда, узатишнинг тезлиги соқланган ҳолда,

даражалар сонин орттириш мумкин. Кўпдаражали тизимларда эришиладиган, иккилик сигнални узатиш тезлиги формуласи:

$$R = (\log_2 L) IT \quad (3.2)$$

бунда L - ҳар бир такт интервалида танлаш мумкин бўлган, даражалар сони; T - тактли интервалнинг давомийлиги.

Сигналларни кўпдаражали узатишда сигнал хатолари характеристикалари ёмонлашади/ ҳолақит кўрсаткичка қарата.

$$\delta_3 = 20 \lg(L - 1), \text{дБ} \quad (3.3.)$$

Шундай экан, кўпдаражали кодни фойдаланадиган, рақамли тизимлар билан зичлаштирилган, занжирлар оралиғидаги сўниш формуласи:

$$A_0 = a_3 + \delta_3 + \alpha l + 10 \lg N \quad (3.4)$$

ёки

$$A_0 = 16.2 + 20 \lg[L - 1] + \alpha l + 10 \lg N \quad (3.5)$$

бунда: $a_3 = 16.2 - 10^{-10}$ хатоларнинг теоретик эҳтимолин таъминловчи, ҳимояланганлик (сигнал/ҳолақит); L - сигнал даражалари сони; αl - занжирнинг сўниши; N - ЦСП зичлаштириш аппаратуралар сони.

Рақамли оқимни 2 Мбит/с тезликда узатиш учун, қўлланиладиган САР-модуляция курилмалари учун a_3 = сигнал/ҳолақит ҳимояланганлиги 27,4 дБ кам бўлмаслиги керак.

Линиянинг электрик характеристикаларининг ўзгарувчанлигини ҳисобга олган ҳолда, 4,6 дБ барқарорлик запасида ҳимояланганлик $a_3 = 32$ дБ белгиланган.

Демак, узатишнинг берилган қатъийлигин таъминлайдиган, яқиндаги ўзаро ўтишувчи сўнишлар ифодаси

$$A_0 = 32 + \alpha l + 10 \lg N$$

Нормалаштиришнинг рабчий частотаси, чизиқли сигналнинг спектр частотаси билан аниқланади. CAP-128 учун у 160 кц тенг.

Энди 3.5 табица маълумотлари бўйича абонент уланувчи тармоқларнинг қурилмалари характеристикаларини келтирамиз.

Аппара тура тип	Алоқани ташкил этиш тизими	Канал лар сони	Код	Узатиш нинг инфор мац. тезлиги кбит/с	Ҳисоб ланган частота,кГц	Чиқувчи сигнал даражаси, дБ
ИКМ-30	Икки проводли	30	HDB-3	2048	1024	13,5
Flex DSL HDSL	Икки проводли		2B1Q	2048		13,5
Flex DSL MSDSL	Икки проводли	пх64	CAP-128	144,272, 400, 578,784, 1040, 2064	36,68,100, 146,196, 260,430	13,5
Flex DSL G.SHDSL	Икки проводли	пх64	TC-PAM	192 кбит/с- 2,3 Мбит/с ,8кбит/с одимда	36,68,100, 146,196 260,430	14,5 (симмет. спектр версияси)

Мисол учун, ИКМ-30, FlexDSL, HDSL, Flex DSL MSDSL ва Flex DSL РАМ тизимлари учун абонент линия узунлигин аниқлаймиз.

Маълумотлар ИКМ-30 тизими ҳисобида.

-Код; HDB-30.

- Узатишнинг чизиқли тезлиги: 2048 кбит/с

- Ҳисобланган частота 1024 кбит/с

- Яқиндаги ўзаро ўтишувчи сўнишлар 65 дБ

- Ҳимояланганлик (сигнал/ҳолақит) 24,7 дБ

- Марка кабелли ТПП 50х2х0,5

- Ярим тактли частотада сўниш коэффициенти 17,9 дБ/км.

- Ташқи тасирлар натиijasидаги рабачий сўнишларнинг ортиши 0,06 дБ/км.

(3.1) формула маълумоти бўйича, l -линия узунлиги формуласи:

$$l = \frac{A_0 - a_3 - 20 \lg(4 - 1) - 10 \lg N}{\alpha + \Delta \alpha};$$

буннан, A_0 -яқин ораликдаги сўниш,дБ; a_3 -ҳимояланганлик (сигнал/ҳолақит),дБ; N -ЦСП тарафидан зичлаштирилган аппаратуралар сони; α - кабелнинг сўниш коэффициенти,дБ/км; $\Delta \alpha$ -кабелнинг сўниш коэффициентининг орттириш.

$N = 1$ шарти бўйича

$$l = \frac{65 - 24,7 - 10 \lg 40,3 - 0}{17,9 + 0,06} = \frac{40,3 - 0}{17,96} = 2,2 \text{ км}$$

$N = 2$ шарти бўйича

$$l = \frac{65-24,7-10l}{17,9+0,06} = \frac{40,3-3,01}{17,96} = 2 \text{ км}$$

$N = 3$ шарти бўйича

$$l = \frac{65-24,7-10l}{17,9+0,06} = \frac{40,3-6,02}{17,96} = 1,9 \text{ км}$$

$N = 4$ шарти бўйича

$$l = \frac{65-24,7-10l}{17,9+0,06} = \frac{40,3-4,77}{17,96} = 1,97 \text{ км}$$


$N = 5$ шарти бўйича

$$l = \frac{65-24,7-10l}{17,9+0,06} = \frac{40,3-6,98}{17,96} = 1,85 \text{ км}$$

1 дан 5 гача бўлган N занжирлар бўйича ҳисоблаш натижалари 3,7 расмда ва 3.6 таблицада берилган.

3.6 таблица. ИКМ-30 тизими учун l ҳисоблаш натижалари.

N	1	2	3	4	5
L, км	2,2	2	1,97	1,9	1,85



3.7 расм ***l*** ва ***N*** оралиғидаги боғлиқлик графиги.

Маълумотлар Flex DSL MSDSL тизими ҳисобида.

-Код; 2B1Q

- Узатишнинг чизиқли тезлиги: 2048 кбит/с

-Ҳисобланган частота 516 кбит/с

- Яқиндаги ўзаро ўтишувчи сўнишлар 65 дБ

- Ҳимояланганлик (сигнал/ҳолақит) 16,2 дБ

- Марка кабелі ТПП 50х2х0,5

- Ярим тактли частотада сўниш коэффициенти 12,6 дБ/км.

- Ташқи тасирлар натиъжасидаги рабочий сўнишларнинг ортиши 0,02 дБ/км.

(3.5) формула маълумоти бўйича, ***l***-линия узунлиги формуласи:

$$l = \frac{A_0 - a_3 - 10l g N}{\alpha + \Delta\alpha};$$

буннан, A_0 -яқин ораликдаги сўниш,дБ; a_3 -ҳимояланганлик (сигнал/ҳолақит),дБ; N -ЦСП тарафидан зичлаштирилган аппаратуралар сони; α - кабелнинг сўниш коэффиценти,дБ/км; $\Delta\alpha$ -кабелнинг сўниш коэффицентининг орттириш дБ/км .

$N = 1$ шарти бўйича

$$l = \frac{65-32-10lg}{7,62+0,03} = \frac{33-0}{7,65} = 4,3 \text{ км}$$

$N = 2$ шарти бўйича

$$l = \frac{65-32-10lg-}{7,62+0,03} = \frac{33-3,01}{7,65} = 3,9 \text{ км}$$

$N = 3$ шарти бўйича

$$l = \frac{65-16,2-20lg(4-1)-10lg-}{12,6+0,04} = \frac{39,26-4,77}{12,64} = 2,7 \text{ км}$$

$N = 4$ шарти бўйича

$$l = \frac{65-10lg}{12,6+0,04} = \frac{39,26-6,02}{12,64} = 2,6 \text{ км}$$


$N = 5$ шарти бўйича

$$l = \frac{65-32-10lg}{7,62+0,03} = \frac{33-6,98}{7,65} = 3,4 \text{ км}$$

1 дан 5 гача бўлган N занжирлар бўйича ҳисоблаш натижалари 3,8 таблицада ва 3.9 расмда берилган.

3.8 таблица. Flex DSL HDSL тизими учун l ҳисоблаш натижалари.

N	1	2	3	4	5
L, км	3,1	2,8	2,7	2,6	2,5



3.8 расм. l ва N оралиғидаги боғлиқлик графиги.

Маълумотлар Flex DSL MSDSL тизими ҳисобида.

-Код; CAP

- Узатишнинг чизиқли тезлиги: 2048 кбит/с

- Ҳисобланган частота 160 кбит/с

- Яқиндаги ўзаро ўтишувчи сўнишлар 65 дБ

- Ҳимояланганлик (сигнал/ҳолақит) 32 дБ

- Марка кабели ТПП 50х2х0,5

- Ярим тактли частотада сўниш коэффициенти 7.62 дБ/км.
- Ташқи тасирлар натиijasидаги рабчий сўнишларнинг ортиши 0,03 дБ/км.

(3.1) формула маълумоти бўйича, l - линия узунлиги формуласи:

$$l = \frac{A_0 - a_3 - 10lg N}{\alpha + \Delta\alpha};$$

буннан, A_0 - яқин ораликдаги сўниш, дБ; a_3 - химояланганлик (сигнал/ҳолақит), дБ; N - ЦСП тарафидан зичлаштирилган аппаратуралар сони; α - кабелнинг сўниш коэффициенти, дБ/км; коди учун кўпдаражали коднинг, даражалар сони.

$N = 1$ шarti бўйича

$$l = \frac{65 - 16,2 - 20lg(4-1) - 10lg}{12,6 + 0,04} = \frac{39,6 - 0}{12,64} = 3,1 \text{ км}$$

$N = 2$ шarti бўйича

$$l = \frac{65 - 16,2 - 20lg(4-1) - 10lg}{12,6 + 0,04} = \frac{39,26 - 3,01}{12,64} = 2,8 \text{ км}$$

$N = 3$ шarti бўйича

$$l = \frac{65 - 16,2 - 20lg(4-1) - 10lg}{12,6 + 0,04} = \frac{39,26 - 4,77}{12,64} = 2,7 \text{ км}$$

$N = 4$ шarti бўйича

$$l = \frac{65 - 16,2 - 20l g(4-1) - 10l g}{12,6 + 0,04} = \frac{39,26 - 6,02}{12,64} = 2,6 \text{ км}$$


$N = 5$ шарти бўйича

$$l = \frac{65 - 16,2 - 20l g(4-1) - 10l g}{12,6 + 0,04} = \frac{39,26 - 6,98}{12,64} = 2,5 \text{ км}$$

1 дан 5 гача бўлган N занжирлар бўйича ҳисоблаш натижалари 3,8 расмда ва 3.7 таблицада берилган.

3.7 таблица. Flex DSL MSDSL тизими учун l ҳисоблаш натижалари.

N	1	2	3	4	5
L, км	4,3	3,9	3,7	3,5	3,4



3.9 расм. l ва N оралиғидаги боғлиқлик графиги.

Маълумотлар Flex DSL G.SHDSL тизими ҳисобида.

-Код; ТС-РАМ

- Узатишнинг чизиқли тезлиги: 2048 кбит/с

-Ҳисобланган частота 100 кбит/с

- Яқиндаги ўзаро ўтишувчи сўнишлар 70 дБ

- Ҳимояланганлик (сигнал/ҳолақит) 33 дБ

- Марка кабелі ТПП 50х2х0,5

- Ярим тактли частотада сўниш коэффициенти 7.1 дБ/км.

- Ташқи тасирлар натиъжасидаги рабачий сўнишларнинг ортиши 0,02 дБ/км.

(3.1) формула маълумоти бўйича, l -линия узунлиги формуласи:

$$l = \frac{A_0 - a_3 - 10 \lg N}{\alpha + \Delta \alpha};$$

буннан, A_0 -яқин ораликдаги сўниш,дБ; a_3 -ҳимояланганлик (сигнал/ҳолақит),дБ; N -ЦСП тарафидан зичлаштирилган апаратуралар сони; α - кабелнинг сўниш коэффициенти,дБ/км; коди учун кўпдаражали коднинг, даражалар сони.

$N = 1$ шрти бўйича

$$l = \frac{75 - 34 - 10 \lg}{7,1 + 0,02} = \frac{36,0 - 0}{7,12} = 4,5 \text{ км}$$

$N = 2$ шрти бўйича

$$l = \frac{75 - 34 - 10 \lg}{7,1 + 0,02} = \frac{36,0 - 3,01}{7,12} = 4,2 \text{ км}$$

$N = 3$ шрти бўйича

$$l = \frac{75-34-10lg}{7,1+0,02} = \frac{36,0-4,77}{7,12} = 3,85 \text{ км}$$

$N = 4$ шарти бўйича

$$l = \frac{75-34-10lg}{7,1+0,02} = \frac{36,0-6,02}{7,12} = 3,65 \text{ км}$$


$N = 5$ шарти бўйича

$$l = \frac{75-34-10lg}{7,1+0,02} = \frac{36-6,98}{7,12} = 3,5 \text{ км}$$

1 дан 5 гача бўлган N занжирлар бўйича ҳисоблаш натижалари 3,10 расмда ва 3.9 таблицада берилган.

3.7 таблица. Flex DSL G.SHDSL тизими учун l ҳисоблаш натижалари.

N	1	2	3	4	5
L, км	465	4,2	3,85	3,65	3,5




3.10 расм. l 1 дан N а N ораллиғидаги боғлиқлик графиги.

3.3. Абонентлар уланувчи тармоқларни G.SHDSL асосида ташкил этиш ва ташкиллаштиришга тавсиялар.

Ускуналарнинг қўлланилиш эффективлигин аниқлаш ва алоқани ташкиллаштиришнинг оптимал варианты танлаш учун 3.2 бўлимда берилган ҳисобларни солиштирамиз. 3.10 таблицада ҳар қил тизимларнинг солиштирилган ҳисоблари берилган.

3.10.таблица Ҳар қил тизимлар учун ***I*** ҳисобланган натижалари.

Аппарат типи	Чизиқли код	N	1	2	3	4	5
ИКМ 30	HDB-3	l,км	2,2	2	1,97	1,9	1,85
Flex DSL HDSL	2B12Q	l,км	3,1	2,8	2,7	2,6	2,5
Flex DSL MSDSL	CAP	l,км	4,3	3,9	3,7	3,5	3,4
Flex DSL G.SHDSL	TC- PAM	l,км	4,5	4,2	3,85	3,65	3,5



3.11 расмда занжирлари сонидан регенерация майдонининг узунликларининг ҳисоботи графиги келтирилган.

Амалга оширилган ҳисоботлардан келиб чиққан ҳолда қуйидаги хулосани олишимиз мумкин. Абонент кириш тармоғининг зичлантириш тизимларида регенерация узунлиги боғлиқ бўлган чизикли кодлаш технологияси аҳамиятга эга. Графикдан кўриниб турибдики энг юқори самара ТС-РАМ коди фойдаланилганида эришилган. Демак самарадарлироқ кодларни фойдаланиш аҳамиятга эга. Алоқа линиялари кабелларида HDB-3 юқори зичлантиришга эга чизикли кодларини фойдаланадиган ИКМ тизимлари кенг қулланилмоқда. Бу код бошқа кодлаш технологияларидан ўзининг кодлаш жараёнининг оддийлиги, хатоларни аниқлаш имкониятлари, ҳимоя қилиш даражаси билан фарқланади. Шу билан бирга HDB-3 коди қуйидаги камчиликларга эга, чизикли сигналининг регенерацион майдонининг

узушлигини қисқартирадиган юқори тактли частотаси. Шу билан занжирлар орасида ўзаро таъсирга олиб келади. Линиявий-кабелли иншоотларини самарали фойдаланилишини ошириш мақсадида абонент кириш тармоқлари учун замонавий рақамли узатиш тизимлари ишлаб чиқарилган. Чизиқли кодлаш технологияларининг янги турлари ишлаб чиқарилган, HDSL тизимида 2B1Q, HDSL ва SDSL тизимларида CAP, ва шундай ҳозирги кундаги замонавий бўлган G.SHDSL тизимида фойдаланиладиган TC-PAM чизиқли кодлаш технологияси бўлиб ҳисобланади. Бу кодлар чизиқли сигналининг тактли частотасини камайтириш билан бирга сигнал сатҳини оширига қаратилган. Бу ўз навбатида регерацияланиш майдонининг узушлигининг ошишига имконият беради ва қиммат турадиган регенаратор харажатини тежашга мумкинчилик беради. Лекин xDSL қайта ишлаш ускунаси TC-PAM кодини ишлатадиган Flex DSL G.SHDSL қурилмаси фойдаланилганида алоқанинг максимал узоқлигини беришини кўрсатди.

Юқорида келтирилган xDSL қурилмасини фойдаланишнинг солиштирилган таҳлили ва ҳисоботлари TC-PAM кодини ишлатадиган Flex DSL G.SHDSL қурилмаси фойдаланилганида алоқанинг максимал узоқлигини беришини кўрсатади.

2B1Q кодини фойдаланадиган HDSL қурилмаларини абонент киришининг катта бўлмаган жойларида ишлатишимиз мумкин, ва шу билан бирга CAP ва TC-PAM кодлаш технологияларини фойдаланадиган қурилмаларига қараганда нархи бўйича арзон.

CAP кодини фойдаланадиган HDSL ёки SHDSL қурилмалари ўрта мъёрни эгаллайди.

Абонент кириш тармоғини ташкиллаштиришда ва бу тармоқ учун қурилмаларни танлашда қурилмаларнинг техникавий характеристикаларини ҳисобга олиш, узатиш линиясининг узушлигини ва шу билан қурилмаларнинг нархларини ҳисобга олиш зарур. Узоқ масофага алоқа ташкиллаштиришда ва узатишнинг катта тезлиги талаб этилганида G.SHDSL тизимини

фойдаланиш тавсия этилади, агар масофа оралиғи катта бўлмаса HD SL тизими фойдаланилиш мақсадга мувофиқ.

IV БОБ. Меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги қоидалари

4.1. Электр ва алоқа ишчи хизматчилари учун меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик техникаси бўйича умумий қоидалар ва талаблар

Алоқа соҳасидаги ишчи хизматчилар, хавфсизлик бўйича кириш, иш жойларида тушунтириш қоидаларидан ҳамда билим синовидан ўтган асбоб ускуна, махсус кийим ва ҳимоя воситалари тўлиқ ва яроқли бўлган тиббий кўрикдан ўтган ҳолларида 18 ёшга тўлган шахсларга ишлаб чиқаришга рухсат этилади.

Иш жойларида ва корхона ҳудудида намунали хулққа эга бўлиши керак, яъни иш давомида спиртли ичимликлар ичмаслик, гиёҳвандлик моддаларини истеъмол қилмаслик, меҳнат қонунларида хавфсизлик техника қоидаларига риоя қилиш лозим.

Бахтсиз ҳодисалар содир бўлганда, энг аввало жабрланувчига биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш, сўнгра раҳбариятга хабар берши лозим. Қурилма, аппарат асбобларда, кабел тармоқларида содир бўлган носозликларни ўзбошимчалик билан тузатиш ёки таъмирлашга рухсат этилмайди.

Ишчи хизматчилар доимо иш жараёнида шахсий гигиена, ёнғин ва портлаш хавфларини олдини олиш қоидаларини ва талабларини билиши шарт.

4.1.1. Ҳаво алоқа ва алоқа тармоқларида хизмат қилувчи электромонтёрлар учун техника хавфсизлиги қоидалари

Электромонтёрлар махсус х/б костюм, ботинка, индикатор, кўчирма ерга улагич, чангак, камар, химояланган дастали кусачка ва бошқа асбоблар билан ишлаши шарт. Чақмоқ ва яшин вақтида, қор, ёмғир ёғаётган вақтида ҳаво алоқа тармоқларида ишлаш таъқиқланади. Тўтр, саккиз ва ундан юқори балли шамол турган вақтида қорбўронларда ишлаш таъқиқланади. Фақатгина аварияларни тиклаш даврида, унда ҳам икки кишидан кам бўлмаган ва рухсатномаси бўлган ҳолларда ишлашга рухсат этилади. Темир йўл платформаларида ва автомобиллардан кабелларни тушириш вақтида эҳтиёткорлик талаб этилади. Алоқа ва радио монтёрларига иш вақти тугагач чангак ва камарларни уйга олиб кетиш ва бош муҳандисларни рухсатсиз тармоқлар носозликларини таъмирлаш таъқиқланади.

Алоқа кабелларни ётқизиш қудуқ, каробка ва шкафларни ўрнатишда ва таъмирлашда 1м дан чуқур бўлмаган қудуқларга ишончли ва махсус кийим ва нарвонлар орқали тушилади. Телефон қудуқлари ичида электр кучланиш кабелларини жойлаштириш ман этилади. Юқори кучланишли кабеллар, газопровод, ер ости қурилмалари ўтган жойларда кабел ётқизиш фақат қўлда бажарилади. Иш давомида ер ости бошқа қурилмалари ташкилотларидан вакиллар бўлиши шарт. Кабел тортаётганда, таъмирлаш ишлари олиб борилаётганда, қудуқлар атрофига тўсиқлар қўйиш керак. Транспорт ўтиш жойларида тўсиқлар энг камида икки метр масофада қўйилади. Иморатлар деворларига кабел осишда фақат соз ва синовдан ўтказилган нарвонлардан фойдаланиш керак. Қудуқларда газ борлигини аниқловчи асбоб бўлмаса у ҳолда ишлаш лозим бўлган қудуқнинг иккала томонидаги қудуқларнинг оғзи очилиб, маълум вақт шамоллатиш учун учала қудуқнинг оғзи очиқ туради ва газлар чиқиб кергандан сўнг иш бошланади.

Кабелларни пайвандлашда металл қатламлари ва кабел ерга уланган бўлиши керак. Кабелларни пайвандлаш ишларини камида икки киши

бажариши керак, шулардан биттаси хавфсизлик техникаси бўйича жавобгар шахс бўлиши керак. Иш бошлашдан олдин ҳимоя воситаларини диққат билан текшириш керак. Енгсиз кўйлак ва майкаларда ишлаш таъқиқланади. Ток бор бўлган металл қисмларда қўлга резина қўлқоп кийиб ишлаш керак.

Кабел барабанларни ортиш ва туширишни механизмлардан фойдаланган ҳолда бажариш керак. Бу ишларни бажаришда иш бошида участка бошлиқлари ёки хавфсизлик техникаси бўйича жавобгар шахс қатнашиши шарт.

Агарда кабел барабанларини қўл кучи асосида тушириш ёки ортишга тўғри келса махсус асбоблар лом, лебётка ва бошқа асбоблар ёрдамида хавфсизлик техникасига тўлиқ риоя қилган ҳолда бажарилади. Барабанлар текис жойга қўйилиши керак ва иккала томондан ҳам тиргаклар қўйилиши шарт.

АТС, Кросс, ЛАЗ, коммутаторларда ишловчи муҳандис техник ва электромонтёрлар махсус халат, тапочка ва ишлаш қисмлари ҳимояланган индикатор асбоблар билан ишлаши шарт. Ҳаво кабел линиялари кириш устунлари олдида полда диэлектрик резина гиламчалар тўшалган бўлиши шарт. Таъмирлаш ишлари олиб борилаётган вақтда тўлиқ ўчирилган ҳолда ишлаши керак. Чақмоқ вақтида алоқа линияларида ўлчаш ишлари таъқиқланади.

Приборларни тозалашда этил спиртидан фойдаланиш ман этилади. Ускуналарнинг токли қисмларида ток бор йўқлигини махсус вольтметр приборлари ёки индикаторлар билан текшириб кўриш керак. Коммутатор ва телеграф цехида профилактика ва таъмирлаш ишлари олиб борилаётганда ускуналардаги электр тўлиғича ўчирилиши шарт.

Аккумулятор хоналарида ишлашда қуйидагиларга амал қилиш лозим:

1. Аккумулятор хоналари марказий иситиш тизимидан иситилиши керак, қўшимча электр иситгичларидан фойдаланиш мумкин эмас.
2. Аккумулятор хонаси вентиляция ускунаси билан жиҳозланган бўлиши керак ва иш давомида вентиляция қўшилган бўлиши керак.

3. Аккумулятор хонасида ишловчи, аккумуляторчи резина қўлқоп, калиш, кирқилган фартук, х/б костюм, химоя кўзойнаги билан таъминланган бўлиши керак.
4. Электролит тайёрлашдан олдиншиша идишга сув (дистилланган) солиб кейин резина идиш ёки шиша кружкада оз оздан кислота қуйилади ва доимо шиша чўп билан аралаштириб турилади. Кислотага сув қўшиш қатъиян тақиқланади.
5. Махсус кийим кечаклар ва химоя воситалари махсус шкафларда сақланади.
6. Электрлит, дистилланган сув, содаои суюқлик ва ҳоказолар солинган идишларда аниқ номлари ёзилган бўлиши шарт.
7. Аккумуляторни заряд қилишдан олдин аккумулятор хонасидаги вентиляторни ишлатиб қўйиш керак, ҳамда газлар чиқиб кетгандан сўнг заряд қилиш тугатилгандан сўнг вентилятор ўчирилади.
8. Аккумулятор орасидаги бўш жойларга ҳеч қандай нарса қўйилмаслиги керак.
9. Аккумулятор хонасида чекиш ман этилади. Олов билан кириш, учкун чиқарадиган асбобларбилан кириш ва ишлатиш таъқиқланади.
10. Аккумулятор хонасида овқатланиш таъқиқланади.
11. Электр ўчигич, розеткалар аккумулятор хонасидан ташқарида бўлиши керак.

4. ҲАЁТ ФАОЛИЯТИ ХАВФСИЗЛИГИ

4.2. Ишлаб чиқариш муҳитида микроиклимни инсон саломатлигига таъсири

Ишлаб чиқариш зоналари об-ҳаво шароитини ҳавонинг қуйидаги кўрсаткичлари белгилайди:

1. Ҳавонинг ҳарорати градусларда ўлчанади.
2. Ҳавонинг нисбий намлиги фоизларда аниқланилади.
3. Ҳаво босим P мм симоб устуни ёки Паскал билан ўлчанади.
4. Иш жойлардаги ҳаво ҳарорат тезлиги м/сек ўлчанади.

Улардан ташқари, об ҳаво шароитига таъсир қилувчи ишлаб чиқариш омиллари ҳам мавжуд, булар ҳар ҳар хил машина механизмлари ва ишлов берилаётган материал юзаларидан тарқаладиган иссиқлик нурлари бўлиб ҳаво ҳароратини оширишга олиб келади.

Бу омиллар таъсиридан ҳосил бўладиган ишлаб чиқариш зонасидаги ҳаво муҳитини саноат микроиклими деб аталади.

4.2.1. Ишлаб чиқаришда хоналарга қўйиладиган микроиклимнинг гигиеник нормалари

Ишлаб чиқариш микроиклим нормалари меҳнат хавфсизлиги стандартлар тизими «Иш зонаси микроиклим» меъёрларига асосан белгиланган. Улар гигиеник, техник ва иқтисодий негизларга асосланган.

Саноат корхоналаридаги хоналар, йил фасллари ва иш тоифасига қараб, улардаги ҳарорат, нисбий намлик ва ҳаво ҳаракатининг иш жойлари учун рухсат этилган нормаларида белгиланган.

Иш тоифалари қуйидагича белгиланилади: 1 тоифа енгил жисмоний ишлар - ўтириб, тик туриб ёки юриб бажарилади, бироқ мунтазам жисмоний зўриқиш ёки юк кўтаришни талаб қилмайди, энергия сарфи соатига 150 ккал

(172Ж)ни ташкил килади. Бунга тикувчилик, аниқ асбобсозлик ва шу каби ишлар киради.

II тоифа ўртача оғирликдаги жисмоний ишларга - соатига 150-250 ккал (172-293Ж) энергия сарфланадиган фаолият турлари киради. Бунга доимий юриш ва оғир бўлмаган (10 кг гача) юкларни ташиш билан боғлиқ бўлган ишлар киради. Масалан йиғув - тўқиш ишлари, механик –йиғув, пайвандлаш цехларидаги ишлар киради.

III тоифадаги оғир жисмоний ишлар - мунтазам жисмоний зўриқиш, хусусан, оғир юкларни муттасил бир жойдан иккинчи жойга кўчириш ва кўтариб юриш билан боғлиқ ишлар киради. Бунга энергия сарфи соатига 250 ккал дан юқори бўлади. Бундай ишларга темирчилик, қуюв ва бошқа қатор цехларда бажарилади.

Ҳарорат, нисбий намлик ва ҳаво ҳаракатининг тезлиги меъёридаги ва йўл қўйилиши мумкин бўлган миқдори кўринишида нормаланади. Меъёрий миқдор деганда, одамга узоқ муддат ва мунтазам таъсир этганда ташқи муҳитга мослашув реакцияларини кучайтирмасдан организмнинг нормал фаолияти ва иссиқлик ҳолатини сақлашини таъминлайдиган микроклим кўрастгичларининг йиғиндисини тушунилиб, улар иссиқлик сезиш мўтадиллигини вужудга келтиради ва иш қобилиятини ошириш учун шарт – шароит ҳисобланади. Йўл қўйилиши мумкин бўлган микроклим шароити организм фаолиятини ва иссиқлик ҳолатидаги ўзгаришларни, физиологик мосланиш имкониятларидан четга чиқмайдиган, ташқи муҳитга мосланиш реакцияларини кучайишини бартараф этадиган ва тез нормага соладиган микроклим кўрсатишларининг йиғиндисидир. Бунда соғлиқ учун хатарли ҳолатлар вужудга келмайди, бироқ кайфиятнинг ёмонлашуви ва иш қобилиятининг пасайиши кузатилиши мумкин.

Инсон ҳаётида ҳавонинг аҳамияти жуда катталиги маълум. Унинг кимёвий таркиби, физикавий хусусиятлари ва таркибидаги ҳар хил моддаларнинг бўлиши, ҳаводан нафас олиш, меҳнат қилаётган кишилар учун

жуда муҳим. Чунки, ҳавонинг тозалиги инсон саломатлигини сақловчи муҳим омил ҳисобланилади

Ер атмосфераси куруқ ҳаво билан маълум миқдордаги сув буғларининг аралашмасидан ташкил топган. Маълумки ҳаводаги газлардан энг муҳими кислороддир.

Ҳаво ҳолати унинг босим, зичлиги, ҳарорати, абсолют намлик, намлик сиғими, нисбий намлик, иссиқлик сиғими ва бошқалар билан белгиланади.

Шамоллатиш усуллари. Корхоналарни лойиҳалашда иқлим шароитини, куёш нурларини тушуш ҳолатини ва хоналардаги жиҳозларни тўғри жойлаштириш масалалари тўғри ҳал қилинган бўлса, шамоллатиш воситаларини ўрнатиш шунчалик осон бўлади. Шамоллатиш воситаларини ўрнатишда шамоллатиш схемасининг иқтисодий кам харажат бўлиши билан бирга, иложи борица кам металл сарф қиладиганини танлаш зарур.

Ишлаб чиқариш биноларида микроиқлимни сақлаб туриш учун яъни тоза ҳаво учун вентиляция билан таъминлаш керак бўлади. Вентиляциянинг кенг қўлланиладиган тури табиий умумий вентиляция (аэрация) хилидир. Яна механик вентиляция хиллари мавжуд (оқимли, сўриб олувчи, оқимли-сўриб олувчи, кондиционерли).

Корхоналардаа ажаралиб чиқаётган зарарли моддалар фақат иссиқлик бўлса, унда алмаштирилаётган ҳавонинг ҳисобланадиган миқдори

$$G_1=Q/0.24(t_1-t)$$

бу ерда

G_1 -чиқарилиб ташланиши керак бўлган ҳаво миқдори, кг/с;

Q - ортиқча иссиқлик миқдори;

t_1 - чиқарилиб юборилаётган ҳавонинг ҳарорати;

t -ҳаво оқимининг ҳарорати.

Ҳаводаги ортиқча намликни йўқотишда қуйидаги формуладан фойдаланилади

$$L=G/(d_1-d)p$$

бу ерда

L-хаво оқимининг ҳажми, $\text{м}^3/\text{г}$;

G-бинодаги сув буғларининг массаси, г/с ;

d_1 - чиқарилиб юборилаётган ҳаводаги намлик, г/кг ;

d- ташқи ҳаводаги намлик миқдори г/кг .

Ҳаводаги газ ҳолидаги зарарли моддаларни йўқотишда қуйидаги формуладан фойдаланилади:

$$L=K/K_{\text{ч}}-K_{\text{ок}}$$

бу ерда:

K- бинога тарқалувчи зарарли моддаларни массаси, мг/с ;

$K_{\text{ч}}$ – чиқарилиб юборилаётган зарарли моддаларнинг концентрацияси, мг/с ;

$K_{\text{ок}}$ - ҳаво оқимидаги зарарли моддалар концентрацияси, мг/с ;

$K_{\text{ч}}$ нинг катталиги РЭК тенг ёки камроқ бўлиши керак. $K_{\text{ок}}$ нинг конц. эса санитария нормаларидан камроқ бўлиб рухсат этилган конц. 0.3 дир.

Табиий шамоллатиш ташқаридан бино ичига кирган совуқ ҳаво бино ичидаги иссиқлик ҳисобига иссиқлик қабул қилиб, исигандан кейин ҳажми кенгайди ва енгиллашиб бинонинг юқорисига қараб ҳаракатланади ва труба орқали ташқарига чиқиб кетади. Бу ходиса аэрация деб аталади.

Механизмлар ишлаган вақтда ўзидан кўп иссиқлик ажратиб чиқаради ва бу иссиқликни табиий шамоллатиш йўли билан чиқариб юбориш иқтисодий самара беради. Бунда асосий эътиборни ҳавони кириш ва чиқиш жойларини таъминлашга қаратилган. Маълумки иссиқ ҳаво юқорига қараб совуқ ҳаво пастга қараб йўналади. Шунинг учун кўп иссиқлик ажралиб чиқадиган хоналарда совуқ ҳавони полдан 4 м баландликдан бериш мақсадга мувофиқдир. Совуқ ҳаво пастга йўналишида иссиқ ҳаво билан аралашади, исийди ва вужудга келган табиий оқимлар ҳаракатига қўшилиб узлуксиз ҳаракат ҳосил қилади. Бу узлуксиз ҳаракат давомида оқимларга янгидан-янги миқдорлар қўшилиши натижасида юқори тўсиқлар томон йўналади ва бир қисми табиий шамоллатиш тирқишидан ташқарига, бир қисми совиб яна пастга тушади ва бу билан хонадаги ҳавони айланма ҳаракатини

кучайтиришга ўз хиссасини қўшади. Шундай қилиб, биноларнинг ичида ҳаво ҳаракатларининг туташ оқимлари вужудга келади.

Табиий шамоллатишни ҳисоблашда, асосан маълум исиш ҳисобига енгиллашиб, бинонинг юқори қисмида йиғилган ортиқча босимни бирон-бир ҳаво чиқариб юбориш жойидан ташқарига йўналтириш мўлжалланган.

Ортиқча босим баландлик ҳисобига ҳосил бўлганлигидан уни қуйидагича ифодалаш мумкин:

$$P=H(\gamma-\gamma)$$

Бундан ташқари табиий ҳаво алмашилиш шамол таъсирида бўлиши мумкин. Агар бино шамол уриладиган томондаги босим шамол ҳисобига бирмунча ижобий бўлса, шамол урмайдиган томонда босим салбий йўналишда бўлса, унда қуйидаги формула орқали ифодалаш мумкин:

$$\Delta P=P-P_2$$

бу ерда P –шамол урилаётган томондаги босим:

P_2 –шамол урилмайдиган томондаги босим.

Агар бинога ҳар иккала босим кучи табиий шамоллатиш вазифасини бажаради деб ҳисобласак:

$$\Delta P=(\gamma-\gamma) H+(P-P)$$

Ортиқча босим миқдорини аниқлангандан кейин чиқарилиб юбориладиган ҳаво миқдорини ҳам аниқлаш мумкин

$$Q=\mu f \sqrt{2q \Delta P}$$

Бу ерда

μ - ҳаво миқдори коэффиценти;

f - ҳаво чиқарилиб юборилаётган тешик кесим юзаси.

Агар чиқарилиб юборилаётган ҳаво миқдори кириб келаётган ҳаво миқдорига тенг десак унда биз кириб келаётган ҳаво ҳаракати тезлигини топишимиз мумкин :

$$V=Q/F$$

бу ерда:

F -ҳаво чиқиб кетаётган тирқиш кесим юзаси.

Ҳаводаги чангдан тозалашда турли воситалардан фойдаланиш мумкин, чанг тозалагичларнинг турлари кўп. Чанг тозаловчи аппаратлар ишлатиш жихатидан қўлайлиги, чанг тозалаш даражаси ва арзон-қимматлигига қараб танланилади. Ҳаво намлигини мўътадиллашда ҳам муҳим аҳамиятга эга. Ҳавони мўътадиллаштириш деганда, саноат корхонаси хоналаридаги ҳаво ҳолатини ички омиллар: иссиқлик ажралиб чиқиш, намлик ва ташқи омиллар ҳавонинг иссиқ совуқлигидан қатъий назар, автоматик равишда бир хил меъёрга сақлаб туриш тушунилади.

Ҳавони санитария-гигиена шароитини яхшилашдан ташқари технологик талаблар асосида ҳам мўътадиллаштириш мумкин.

Ҳавони мўътадиллаштириш учун махсус кондиционерлардан фойдаланилади. Кондиционерлар ҳавони қабул қилади, филтрлаб беради, иссиқ ёки совуқ билан таъминлайди, ҳаракатга келтиради, намлайди ва бошқа жараёнларни бажаради.

4.3 Ёнѓин хавфсизлиги ќоидалари

Саноат корхоналари биноларини ёнѓиндан муҳофаза қилиш учун ишлатиладиган асосий техник қурилмалар ГОСТ 12,4009-75 асосида аниқланади. Ҳар қандай ёнѓинни ўчиришда ёнѓиннинг кучайишига олиб келаётган омилларни ва шароитни аниқлаш муҳимдир. Бунда ёнѓиннинг давом этишини тўхтатувчи шароит яратиш катта рол ўйнайди. Ёнѓинни ўчириш пайтида қаттиқ жисмлар ёнганда ёнѓиннинг тезлиги 4м/мин, суюқликлар юзаси бўйича эса 30м/мин бўлишини ҳисобга олиш керак. Ўт ўчириш усуллари қуйидагича бўлиши мумкин:

1. Ёнаётган зонани кўп миқдорда иссиқлик ютувчи материаллар ёрдамида совитиш;
2. Ёнаётган материалларни атмосфера ҳавосидан ажратиб қўйиш;
3. Ёнаётган зонага кираётган кислород миқдорини камайтириш;
4. Махсус кимёвий воситаларни қўллаш;
5. Ўт ўчириш воситалари сифатида сув буғлари, кимёвий ва механик кўпиклар, инерт ва ёнмайдиган газлар, қаттиқ кукунсимон материаллар ва аралашмалардан фойдаланиш;
6. Сув билан ўчириш. Сув энг кўп тарқалган арзон ва шунинг билан бирга деярли ҳамма ерда мавжуд бўлган ўт ўчириш воситаси бўлиб, сув билан ҳар қандай шароитда ҳам ёнѓинни ўчириш мумкин.
7. Буғ билан ўчириш. Буғ билан ўчиришнинг асосий моҳияти шундаки, хоналарга юбориладиган буғ кислородга юой ҳавони сиқиб чиқариб, унинг ўрнини эгаллайди. Буғнинг ўт ўчириш самарадорлиги унинг маълум бир хонага юборилган миқдорига боғлиқ бўлади.
8. Ёнѓинга қарши сув таъминоти. Одатда ўт ўчириш учун ишлатиладиган сув катта босим остида кучли оқим сифатида алангаланаётган жойга юборилади. Бунинг учун етарли бўлган босимни шаҳар шароитида умумий водопровод тармоқлари орқали ҳосил қилинади.

Юқорида келтирилган усул ва воситалар ёнѓинни тез ўчиришнинг асосий усуллари ҳисобланади.

ХУЛОСА

Абонентлик линия алоқасининг мавжуд тармоғи ТГ (қоғоз изоляциясига эга) ва ТПП (полиэтиленли изоляциясига эга) туридаги паст частотали кабелларини фойдаланган ҳолда барпо этилган. Бу кабелларнинг электрик характеристикалари 0,3-3,4 кГц частотасига эга телефон алоқаси учун ҳисобланган ва нормаланган. Абонент линияларидан маълумотларни узатиш бир неча 100 кбит/сек ёки бир неча ўнлаган Мбит/сек тезлигига эга замонавий ахборот технологиялари учун амалга оширилиши зарур. Бунинг учун паст частотали алоқа линияларида регенераторларини ишлатмасдан юқори тезликни таъминлай оладиган махсус модемлари керак. Бу муоммаларни ечиш учун xDSL технологияси фойдаланилиши мумкин.

Абонент кириш тармоғининг зичлантириш тизимларида чизиқли кодлаш технологияси аҳамиятга эга бўлиб, унга маълумот узатиш тезлиги ва регенрация узунлиги боғлиқ. xDSL технологиясида 2B1Q, CAP, TC-PAM ва бошқада чизиқли кодлар фойдаланилади. Бу кодлар мос равишда ўзларининг афзалликлари ва камчиликлари билан фарқланади. Шу билан бирга улар, аппаратураларни танлашда аҳамиятга эга бўлган қурилмаларнинг нархини белгилаб беради.

Абонент кириш тармоғини ташкиллаштиришда ва бу тармоқ учун қурилмаларни танлашда бу қурилмаларнинг техникавий характеристикаларини, узатиш линия узунлигини, ва шундай қурилмаларнинг нархларини ҳисобга олиш зарур.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Соколов Н.А. Эволюция местных телефонных сетей. – Пермь:ТОО Типография «Книга», 1994 г., 375 с.
2. Соколов Н.А. Сети абонентского доступа. Принципы построения. – М.: ЗАО "ИГ Энтер профи", 1999.
3. Александрова Е. Будем строить “последнюю милю” ИКС, 2000 №7, с.36
4. Бутлицкий И.М., Шаронин С.Г. ADSL-будущее проводного доступа ИКС, 2000, №7, с.30-33.
5. Андреас Блушке и др. «Родословная xDSL или попытка классификации технологии xDSL для «последней мили». Технологии и средства связи, 2000, №1, с.37.
6. Гольшко А.В., Тушилина О.С. Конвергенция как символ эпохи. Вестник связи. 2000, №4, с.26-34.
7. Цифровые и аналоговые системы передачи/В.И.Иванов и др. - М.: Радио и связь, 1995
8. Мирошников Д.Г. Оборудование высокоскоростного доступа в сеть//Планета "Интернет". - 1997., №3
9. Мирошников Д.Г., Далленбах Д. Аппаратура уплотнения электрического кабеля: новые решения//Вестник связи. 1997, №4
10. Мирошников Д.Г., Далленбах Д., Денисьева О.М. WATSON - новая цифровая система передачи для абонентских и соединительных линий//Электросвязь, 1996. №10
11. ADSL. SDSL, HDS - Copper Phone Line Technologies for Multimedia. Pocket Guide. Provided by: AT&T Paradyne. - The Applied Technologies Group. 1995